SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

■ 2003-YIL ■ 15-IYUL ■ SESHANBA ■ 82 (27.102) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

## ЎЗБЕКИСТОН — ПОЛЬША:

# САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 10-12 ИЮЛЬ КУНЛАРИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН ПОЛЬША РЕСПУБЛИКАСИДА БЎЛДИ

Ўзбекистон ва Польша бир-бири учун ўз минтақаларида энг ишончли шериклардан ҳисобланади. Ўтган йил октябрда Александр Квасьневский Ўзбекистонга келгани ва энди мулоқотнинг узвий давоми сифатида Ислом Каримов расмий ташриф билан Польшага боргани икки давлатнинг ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга интилиши нечоғли кучли эканлигидан далолатдир.

Мамлакатлар, халқлар бир-бирини қанчалик қадрламасин, яқин кўрмасин, манфаатлар уйғун бўлмаса, чинакам ҳамкорлик қарор топиши қийин. Шу нуқтаи назардан қаралса, сўнгги вақтларда Ўзбекистон — Польша муносабатлари янада фаоллашгани кўплаб соҳалардаги ўзаро манфаатдорлик ҳамда ана шу манфаатдорлик борасидаги ҳамфикрлик билан изоҳланади.

Польша Европада майдони жиҳатидан бешинчи, аҳолиси бўйича саккизинчи ўринда туради. Унинг жаҳон иқтисодиётидаги улуши шиддат билан кўпаймоқда. 1990 йили унинг ялпи ички маҳсулоти жаҳон бўйича ялпи ички маҳсулотнинг 0,3 фоизини ташкил этган бўлса, 2000 йили 0,5 фоизга тенглашди. Польша кўплаб саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича етакчи ўринларда туради. Масалан, мис, кўмир, олтингугурт ишлаб чиқаришда биринчи ўнликка, сулфат кислотаси, цемент, чўян, телевизор, енгил ва юк ташиш автомобиллари, электр энергияси бўйича иккинчи ўнликка киради.

Мамлакатнинг жаҳон сиёсат майдонидаги нуфузи салмоқли. Европанинг жуғрофий-сиёсий жиҳатдан энг қулай қисмида жойлашгани, НАТО ва Европа Иттифоқига аъзо бўлиш арафасида турганининг ўзиёқ бу нуфуз учун яна бир белги бўла олади.

Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, Европада халқ кўп, лекин полякларнинг бизга муносабати ўзгача. Польшанинг Ўзбекистонга хайрихоҳлиги, беғараз ҳамкорликка интилиши қувонарли. Масалан, иқтисодий соҳани оладиган бўлсак, анъанавий тармоқлардан ташқари, қурилиш, энергетика, телекоммуникация, фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, кимё саноати устуворлик касб этиши мумкин. Автомобилсозлик, тўқимачилик саноати, истеъмол моллари ишлаб чиқариш, шунингдек, энергия тежаш технологиялари, авиация техникасини ишлатиш ва таъмирлаш, темир йўл транспортини замонавийлаштириш ва ривожлантириш, қадоқлаш буюмлари тайёрлаш каби тармоқлардаги ҳамкорлик ҳам яхши самара беради.

Ўзбекистон ва Польшада нефть-газ саноати, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, банк-молия, сайёҳлик каби кўплаб соҳалар бўйича алоқаларни ривожлантириш учун кенг имкониятлар мавжуд.

Анъанавий соҳаларга келсак, пахтани сўнгги босқичга қадар қайта ишлаш соҳаси ҳамкорликнинг энг аҳамиятли бўғинларидан бири бўлиб қолмоқда. Ислом Каримов таъкидлаганидек, Польша Ўзбекистон пахтасини Швейцария орқали олади. Ваҳоланки, бунга муқобил, ҳатто, айтиш мумкинки, бундан анча афзал йўл бор. Ўзбекистонда қўшма корхона очиб, пахтани шу ернинг ўзида қайта ишлашни йўлга қўйсак, икки томон учун ҳам фойдали бўлур эди. Айни пайтда юртимизда Польша билан ҳамкорликда ташкил этилган йигирмага яқин қўшма корхона бор. Тармоқлар салмоғи бўйича таснифлайдиган бўлсак, улар фаолиятида қурилиш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, пластмасса буюмлар, тиббий жиҳозлар тайёрлашдан кейин пахтани қайта ишлаш туради.

Қишлоқ хўжалиги мавзуини давом эттирганда, картошка етиштириш, ғаллакорлик, чорвачилик, селекция, полиз маҳсулотлари ва меваларни қайта ишлаш йўналишларидаги ҳамкорлик фойдали эканлигини айтиш даркор.

Яна бир ўта муҳим соҳа — транспорт коммуникациялари. Польша келаси йили ЕИга қўшилади. Унинг учун ривожланган Европанинг барча мамлакатларига янада кенг йўл очилади. Александр Квасьневский Ўзбекистонга келганида, Польша Ўзбекистон учун Европа дарвозаси бўлишга тайёр эканлигини айтган эди. Демак, Ислом Каримов сафар олдидан таъкидлаганидек, Польшага очилган чегара, очилган йўллар биз учун ҳам очилади.

Варшавада мамлакатимиз раҳбари бу масалага оид муҳим маълумотни келтирди. Биз Польша коммуникация тармоқларидан фойдалансак, ҳар тонна юкдан ўртача 40 АҚШ доллари тежашимиз мумкин экан. Бу рақамдан қандай хулоса чиқариш ўзингизга ҳавола.

Президентлар савдо-иқтисодий муносабатларни яна бир бор танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқди ва ҳукумат вакилларига тегишли топшириқлар беришга келишиб олди. Бунинг самараси ўлароқ, ҳукуматларимиз ўртасида иккита кредит битими ҳамда божхона ишларида ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам, халқаро автомобиль қатнови тўғрисидаги битимлар имзоланди.

Варшава музокаралари якунида мудофаа вазирликлари ўртасида ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида декларация, Ўзбекистон Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети билан Польша Халқаро муносабатлар институти ўртасида ҳамкорлик тўғрисида ҳамфикрлик меморандуми, «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан Польша сайёҳлик ташкилоти ўртасида сайёҳлик соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Польшадаги «Bank Gospodarstwa Krajowego» ўртасида иккита банклараро битим ҳам қабул қилинди.

Матбуот анжуманида Президентлар ушбу янги ҳужжатлар икки томонлама фойдали муносабатлар ривожи учун янги замин тайёрлашини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда.)

**ХДП хабари**

## МИНТАҚАВИЙ СЕМИНАРЛАРДА

Жорий йилнинг 7-11 июль кунлари Сирдарё, Жиззах, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши томонидан, партия фаоллари ва ХДПдан сайланган депутатлар иштирокида, ўтказилаётган ўқув семинарларининг навбатдагилари бўлиб ўтди.

Мазкур тадбирларда партия Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов **Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг партия МК V пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалари тўғрисида** маъруза қилди, ХДП Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё вилоят кенгашлари етакчилари Д.Қулматов, М.Иномов, Ш.Темиров, Р.Ражабов жойларда МК пленуми қарорларини ҳаётга татбиқ этиш, депутатлар фаоллигини ошириш, партия ташкилотлари ташаббускорлигини кучайтириш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида ахборот бердилар.

Маърузада ҳамда партия фаолларининг чиқишларида мамлакатимизда икки палатали парламент тизимига ўтилаётганлиги муносабати билан ХДП ташкилотларининг вазифалари, ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида жамият диққат марказида турган муаммолар бўйича партия тузилмалари ҳамда депутатлик гуруҳларининг ўз нуқтаи назарларига эга бўлишлари лозимлиги, уларни қонунларда белгиланган ўз ваколатлари доирасида изчил ҳимоя қилишлари, ХДПнинг ташкилотчилик салоҳиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, сайлов округларидаги ҳудудий партия гуруҳлари фаолиятини йўлга қўйиш, нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш масалалари хусусида сўз юритилди. Семинарларда, шунингдек, партия ташкилотлари фаолиятидаги камчиликларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Уларда ЎзХДП МК масъул ходими С.Усмонов ўз чиқишларини ички партиявий ишларни такомиллаштириш масалаларига қаратди.

Бўлиб ўтган семинарларда Гулистон шаҳар ҳокими И.Эрбеков, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё вилоятлари ҳокимларининг ўринбосарлари С.Тўйчиева, Й.Суюнов ва Н.Ҳакимов иштирок этдилар.

**Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

**«Ғалла — 2003»**

## МУЛОҚОТ МАВЗУСИ — ҒАЛЛА УРУҒЧИЛИГИ

Қишлоқ ва сув хўжалигида вазирлигида тизимга тегишли бошқармалар, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари олимлари иштирокида уруғчилик муаммоларига бағишланган очиқ мулоқот бўлиб ўтди. Унда хусусан бошоқли дон экинлари уруғчилиги, селекцияси, янги навлар яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш масалалари муҳокама этилди. Андижондаги суғориладиган ерларда ғалла ва дуккакли ўсимликлар илмий-тадқиқот институти ҳамда унинг филиалларида соҳада олиб борилаётган ишлар ҳали талаб даражасида эмаслиги алоҳида қайд этилди.

Мулоқот давомида мазкур институт мутахассислари олдига маҳаллий навлардан кенг фойдаланиш, уларнинг уруғчилигини ривожлантириш ва сифатига алоҳида эътибор бериш вазифаси юклатилди.

Шунингдек, мулоқотда тизим доирасидаги олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабалар малакаларини ошириш йўлида ишлаб чиқариш билан ҳамкорликни яқинлаштириш ва амалиёт курсларини ширкат ҳамда фермер хўжаликларида ўташ таклифлари ўртага ташланди.

**Фарида ТОҲИРОВА,**
**Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Матбуот хизмати ходими**

## ДОНИМИЗ — НОНИМИЗ!

**Қорақалпоғистон.** Кеча қорақалпоғистонликлар учун нақ байрам бўлди: сўнгги йиллардаги сурункали сувсизлик ва қурғоқчилик туфайли бажарилмай қолаётган давлатга ғалла топшириш режаси бу гал ошириб уддаланди. Давлатга 60 минг тоннадан кўпроқ дон сотилди. Ўрим давом этган 20 иш кунида 140 га яқин «Класс», «Ньюхолланд» русумли комбайнлардан самарали фойдаланилди.

Эришилган ғалабага Хўжайли, Кегайли, Тахтакўпир, Тўрткўл, Шўманай, Элликқалъа туманлари ғаллакорлари баракали ҳисса қўшдилар. Хўжайлидаги «Найман», Кегайлидаги «Халқобод», Тўрткўлдаги Ш.Рашидов номли, Шўманайдаги Ў.Кўккўзов номли хўжаликларда ўнлаб фермерлар гектар бошига 60-65 центнердан ҳосил кўтаришди.

Ғаллакорлар мустақилликнинг 12 йиллиги шарафига ялпи ҳосилни 140 минг тоннага етказишга бел боғлашиб, ўрим ишларини янада жадал тус олдиришди.

**Рейимбой ЕШИМБЕТОВ**

**Навоий вилояти** ғаллакорлари давлатга дон сотиш йиллик шартномавий режасини ошириб бажардилар. Эл хирмонига 85 минг тонна ўрнига 86 минг тоннадан ортиқ сара дон тўкилди. Бу — 42 минг гектар ғалла майдонининг ҳар гектаридан ўртача 37 центнердан ҳосил кўтарилди, дегани.

Ўрим-йиғим кунлари 114 та техника воситалари икки сменада, юксак унум билан ишлатилди. Айниқса, Навбаҳор, Навоий, Қизилтепа, Хатирчи, Конимех туманлари хўжаликларида иш конвейер усулида ташкил этилди.

Умумий ҳосилнинг 15 фоизи эртапишар, уруғлик дон бўлгани боис, навоийликлар жорий йил дончилигидан 9,5 миллиард сўмлик мўмай даромад қилишни мўлжаллашаяпти. Ҳосилдан бўшаган майдонлар пешма-пеш шудгор қилиниб, такрорий оралиқ экинлар экилмоқда. Ғаллакорлар ҳали кўпгина далаларда ўримни давом эттириб, ялпи хирмонни 140 минг тоннага етказишга аҳд қилишган.

**Музаффар ШАРОПОВ**



Жиззах вилоятининг Пахтакор туманидаги «Буюк чўққи» фермер хўжалиги давлатга ғалла топшириш шартномавий режасини туманда биринчилар қатори ошириб адо этди.

— Кўзланган 31 тонналик марра забт этилди. — дейди фермер Шуҳрат Мамасодиқов.

— Ҳосилдорлик гектар бошига ҳозирча ўртача 45 центнерни ташкил этди. Лекин даламизда ҳали ҳосил мўл. Айни пайтда ўримдан бўшаган ерларни пешма-пеш шудгорлаб, такрорий экинлар экишни ҳам бошлаб юбордик...

**Шавкат АКРАМОВ олган сурат**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 15 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:***

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 639,82 | 1 Польша злотийси | 248,14 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 1585,48 | 1 СДР | 1362,48 |
| 1 Дания кронаси | 147,63 | 1000 Туркия лираси | 0,70 |
| 1 БАА дирхами | 265,27 | 1 Швейцария франки | 707,76 |
| 1 АҚШ доллари | 974,30 | 1 ЕВРО | 1097,74 |
| 1 Миср фунти | 160,51 | 10 Жанубий Корея вони | 8,28 |
| 1 Исландия кронаси | 12,62 | 10 Япония иенаси | 82,83 |
| 1 Канада доллари | 706,89 | 1 Россия рубли | 32,07 |
| 1 Хитой юани | 117,71 | 1 Украина гривнаси | 182,72 |
| 1 Малайзия ринггити | 256,43 | | |

*** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

BANK XALQ BANKI

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

**Диққат: «Сиртқи қабул соатлари»**

### САВОЛЛАРИНГИЗГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ҚЎМИТАСИ РАИСИ КОМИЛ ЮСУПОВ ЖАВОБ БЕРАДИ

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш орқали баркамол авлодни тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, миллат саломатлигини мустаҳкамлашга тобора катта эътибор берилмоқда.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ, МДҲ давлатлари орасида биринчи бўлиб бизда жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида қонун қабул қилинди, соғлом авлод фонди ва соғлом авлод ордени таъсис этилди. Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида ҳукумат қарори қабул қилинди. Футбол, теннис, сузиш, кураш, бадиий гимнастика сингари спорт турларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Ўтган йилнинг октябрь ойида «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида» Президентимиз Фармони эълон қилинди. Бугун болалар спортини, оммавий спортни ривожлантириш бўйича жойларда ишлар қизғин кетмоқда...

Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш бўйича давлат дастури ижроси қандай бормоқда? Асосий ютуқларимиз нималардан иборат? Қандай муаммолар ишимизга халақит бермоқда? Жойларда болалар спортини, умуман спортни ривожлантиришга қандай эътибор берилмоқда? Сиз яшайдиган маҳалла, қишлоқ ва туманда қандай муаммолар бор? Табиийки, шу каби саволлар кўпчиликни қизиқтиради.

Спорт аҳли диққат марказида турган яна бир масала — бу келгуси йили Греция пойтахти Афинада бўладиган ёзги Олимпия ўйинлари. Дунё спортининг энг нуфузли мусобақаси ҳисобланган ушбу ўйинларга йўлланмалар учун кураш бошланди. Ўзбекистон спортчиларининг бу галги ниятлари қандай?..



Спорт мавзуида сизни қизиқтирган барча саволларга давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Комил Юсупов жавоб беради. Айни чоғда бу масалада сизнинг фикр ва мулоҳазаларингизни ҳам эшитади.

Демак, саволларингизни, таклиф ва мулоҳазаларингизни (хат, шошилинчнома, телефон қўнғироқлари орқали) кутамиз.

**Мурожаат учун тел. 133-65-45, 133-21-43**

### ДИПЛОМАТ

*Дипломат ҳаётин булдир мазмуни:*
*Икки кунки ҳеч ким тополмас уни.*
*Подшоҳ чақирганди биринчи кунда,*
*У кир ювмоқдайди иккинчи куни.*

**Абдулла ОРИПОВ,**
**14 июль 2003 йил**
**Женева** (телефон орқали олинди)



BUSINESS BANK

БИЗНЕС БАНК
ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА

## ЎЗБЕКИСТОН — ПОЛЬША:

# САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ислом Каримов ва Александр Квасьневский икки давлат ўртасида сиёсий, маданий, илмий алоқалар жадал ривожланаётганини таъкидлади. Уларнинг маълум қилишича, халқаро ҳамжамият диққат-эътиборида турган барча долзарб масалалар борасида Ўзбекистон ва Польшанинг қарашлари, вазиятга берган баҳолари бир-бирига мос.

Сиёсат борасида, икки мамлакат раҳбарларининг узоқни кўзлаб қабул қилган қарорлари ўзаро уйғун экани Ўзбекистон ва Польшани бир-бирига янада яқинлаштирганини айтиб ўтиш ўринлидир. Мамлакатларнинг сиёсий ҳамжиҳатлиги эса, нафақат тараққиётга эришиш, балки ҳозир энг долзарб муаммога айланган террор балосига қарши курашда ҳам кўп фойда бериши аниқ гап. Масалан, Президентимиз айтганидек, Польша, НАТО аъзоси сифатида, Ўзбекистонга армияни ислоҳ этишда яқиндан ёрдам бериши, ўзаро тажриба алмашиши мумкин. Таҳдидларга қарши туришда НАТОнинг ҳарбий-техникавий имкониятлари қўл келиш тайин. Таъкидлаш жоизки, Шимолий альянсда Польшага нисбатан алоҳида хайрихоҳлик бор. Ўзбекистон билан Польша Евро-Атлантика ҳамкорлик кенгаши доирасида кўп томонлама ҳамкорлик қилиб келар эди, мудофаа вазирликлари ўртасида тузилган ҳужжат бу борадаги алоқаларни янада кенгайтиришга йўл очади.

Польша сафари хайрли воқеаларга бой бўлди. Александр Квасьневский Ислом Каримовнинг ташрифи икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатлар белгиси эканлигини таъкидлар экан, Ўзбекистон Польшада элчихона очажагини маълум қилди. Бу воқеа тез орада самара беришига ишонч билдирди.

Мамлакатимиз раҳбари Александр Квасьневскийга Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳаёт тақозоси билан Ўзбекистонга келиб қолган поляклар тақдири тўғрисидаги маълумотлар йиғилган архив ҳужжатларини топширди. Польша Президенти Ўзбекистон раҳбариятининг бу саховати полякларда ўзбекларга нисбатан ҳурмат-эҳтиром, хайрихоҳлик ва ишончни янада мустаҳкамлаши шубҳасиз эканлигини айтди.

Архив ҳужжатларини тегишли шахсларнинг яқинларига етказиш бундан буён ҳам давом эттирилиши маълум қилинди.

Александр Квасьневский Ўзбекистон Президентини Польша Республикасининг Хизматлар учун ордени билан тақдирлади. Бу орден Польшанинг давлатлараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатликни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган шахсларга бериладиган энг олий мукофотидир.

Ўзбекистон Президенти Фармонига кўра Александр Квасьневский Ватанимизнинг «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланди.

Ушбу воқеалар Ўзбекистонда Польшага, Польшада Ўзбекистонга эътибор ва эҳтиром катта эканлигини англатади, албатта.

Польша сафарининг яна бир жиҳатини эслаб ўтиш жоиз. Ислом Каримов Гданьск шаҳрида бўлиб, унинг тарихий обидалари билан танишди. Гданьск зиёрати баҳона, Александр Квасьневский билан мулоқот яна анча вақт давом этди. Гарчи пойтахтда расмий кутиб олиш маросими бўлган эса-да, бу шаҳарда ҳам денгизчилар ва ҳарбий оркестр олий мартабали меҳмонга яна бир бор Польша халқи ва ҳукуматининг эҳтиромини намойиш этди. Бу эса Президентимиз ташрифига алоҳида ҳозирлик кўрилгани, Польшада бу ташриф юқори баҳолангани ва Ўзбекистон билан ҳамкорлик юксак қадрланишига яна бир ишора бўлди.

Музокаралар давомида қайд этилганидек, ҳозирги глобаллашув шароитида жуғрофий жиҳатдан нисбатан узоқ жойдан ҳамкор топиш ғайриоддий туюлмайди. Муҳими, ҳамфикрлик, ўзаро манфаатдорлик, интилиш бўлиши керак. Ўзбекистон ва Польша муносабатлари бемалол бунинг тасдиғи бўла олади.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
Тошкент — Варшава — Гданьск-Тошкент.

**Суратда:** ташриф пайти.
**Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат**

---

**Тафаккур**

# СИЁСИЙ МАДАНИЯТ НИМА?

## БУ ҲАҚДА ТАЛАБА, ОЛИМ, ЖУРНАЛИСТ, СИЁСИЙ ШАРҲЛОВЧИ ВА СИЁСАТШУНОС ФИКРЛАРИ

**Кейинги беш-ўн йил орасида тилимизда илгари учрамайдиган ёки кам истеъмол қилинадиган сўзлар, атамалар пайдо бўлди. Уларнинг кўпчилиги замон тараққиёти ва мамлакатимиз мустақиллиги билан бевосита боғлиқ.**

**Сувиренитет, фуқаролик жамияти, демократик тамойиллар, бозор иқтисодиёти, лицей, коллеж... санайверсак охирига етиш қийин.**

**«Сиёсий маданият» атамаси ва тушунчаси ҳақида ҳам бугун тез-тез гапиряпмиз. Биз умуминсоний маданият, миллий маданият ҳақида етарли тушунчага эгамиз. Аммо «сиёсий маданият» деганда кўпроқ нималарни тушунамиз? Сиёсий маданият ўзи нима? Мазкур савол билан турли соҳа вакилларига мурожаат этдик. Қуйида уларнинг жавоблари билан танишасиз.**

**Самариддин АЪЛАМОВ, ЎзМУ ижтимоий-сиёсий фанлар факультети сиёсатшунослик бўлими талабаси:**

— Назарий жиҳатдан сиёсий маданият мавзуси сиёсатшунослик (политология) фанини бевосита ўрганадиган муҳим мавзудир. Амалий жиҳатдан эса сиёсий маданият ҳар бир инсон учун, хоҳ у ўзини сиёсатдан узоқман деб ҳисобласин, хоҳ сиёсатчи бўлсин ниҳоятда кераkли ҳисобланади. Баъзан, «Мени сиёсат ҳеч ҳам қизиқтирмайди, мен ундан мутлақо йироқ одамман» деган сўзлар қулоғимизга чалинади. Аслида эса ҳар бир фуқаро, у ўзини ким деб ҳисоблашидан қатъи назар, муайян жамиятнинг сиёсий жараёнларида иштирок этади. Аммо кишиларда сиёсий маданият ривожланган ёки пассив даражада бўлиши мумкин. Муайян жамиятда сиёсий маданиятнинг нечоғлик ривожланганлик даражасига қараб, унинг сиёсий тизими қанчалик мукаммал ташкил қилинганлигига баҳо бериш мумкин. Сиёсий маданият давлат ва сиёсий институтларнинг шаклланиш, фаолият кўрсатишига, шу билан бирга давлат билан жамият ўртасидаги муносабатларни ташкил қилиш жараёнига таъсир ўтказади.

У кеча ёки бугун пайдо бўлиб қолган тушунча эмас. Сиёсий маданият сиёсат билан бирга пайдо бўлиб, шундан буён ривожланиб, шаклланиб келаяпти. Сиёсий жараёнлар ривожланиб борар экан сиёсий маданият ҳам умуммиллий маданиятнинг таркибий ажралмас қисми сифатида шаклланиб бораверади.

**Фахриддин ПАРПИЕВ, «Жаҳон» АА мухбири:**

— Ўз номидан ҳам кўриниб турибдики, «Сиёсий маданият» атамаси сиёсий соҳага хосдир. Янглишмасам, у илк бор ғарб адабиётида америкалик сиёсатшунос Г.Алмонд томонидан қўлланилган. Сўзсиз, сиёсий маданият ҳар бир жамият, унинг тараққиёт ва ривожланиш даражалари билан чамбарчас боғлиқ бўлса, унинг сиёсий маданияти ҳам айнан юқори кечажаги табиий.

Бевосита жамиятимизда сиёсий маданият тушунчасига эътибор берадиган бўлсак, у қадим-қадимдан айнан шу ном билан аталмаган бўлса-да, худди бугунгидай маъно-мазмунни ўзида акс эттирган. Жамиятимиз тараққиёти ва ўзбек давлатчилиги тарихи бунга гувоҳлик беради.

Фикримча, ҳар бир оиладаги таълим-тарбия жараёни, етук авлодларни вояга етказишга қаратилган саъй-ҳаракатлар ҳамда ҳаётда ҳар бир шахснинг ўз ўрнини топа билишига йўллашнинг ҳам сиёсий маданиятга алоқаси бор.

Фарзандлар оилада, шахслар жамиятда қанчалик фаол бўлсалар, уларнинг камол топишлари, ҳаётда ўз ўрнига эга бўлишлари юксак маданият ўлчови билан баҳоланиши ва ўз навбатида у сиёсий маданиятнинг шаклланишига ҳам таъсирини кўрсатади. Оила ва жамият, таълим ва тарбия, маданият ва маърифат — булар сиёсий маданиятнинг асосий манбаларидир.

Яна бир фикрни эътироф этишни жоиз деб биламан. Сиёсий маданият ҳар бир жамиятдаги маънавий ҳаётнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Қайсики жамият пойдевори мустаҳкам бўлса, унинг маънавий бойлиги етук бўлади. Маънавият ва маърифатга асосланган ҳар бир жамият ва ҳар бир давлат истиқболли келажакка эга бўлиши турган гап. Шунга мисол тариқасида, Амир Темур даврини, боболонларимиз Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий ва бошқа намояндалар яшаган даврларни олиш мумкин. Ўша замонларда жамият қанчалик маънавий баркамол олиму уламоларни вояга етказган бўлса, сиёсат соҳасидаги маданият ҳам шунчалик ривожланган, ўз тараққиёт йўлига эга бўлган.

Сиёсий маданиятга фақат алоҳида фуқаролар ва буюк шахслар маҳсули сифатида эмас, балки бутун жамият маҳсули сифатида қараш ва баҳо бериш тўғри бўлади.

**Мансур БЕКМУРОДОВ, социология фанлари доктори, профессор:**

— Сиёсий маданият шахс маънавиятининг узвий қисми ҳисобланади. Сиёсий маданият фуқароларнинг сиёсат борасидаги билимлари, амалий кўникмалари, уларнинг ўзига хос ёндашувлари мажмуининг маҳсули ҳамдир. Сиёсий маданият айни чоғда ана шу тўпланган билимларни ҳаётда қандай усулда қўллаш, у ёки бу ижтимоий-сиёсий вазиятларда ўзини қандай тута билиш, фуқароларнинг сиёсий жамоалар ишида иштироки, ижтимоий фаоллик даражаси билан ҳам белгиланади.

Истиқлол йилларида озодлик неъматларидан баҳраманд бўлган эркин фуқаро шахси тарkиб топди. Мамлакатимизда тобора теран илдиз отаётган фуқаролик жамияти тамойиллари, умуминсоний қадриятларни ўзлаштириш имкониятларининг кенгайиши, шахснинг сиёсий муҳитда ўзини тутиши турли хил сиёсий ҳолатлар бағрида ўз ёндашувлари, танловига масъулият даражасини кескин оширди.

Маълумки, муайян мамлакатдаги сиёсий барқарорлик ҳолатини шу жамиятдаги давлат сиёсати билан фуқаролар ёндашувлари, фикру қарашлари ўртасидаги уйғунлик даражаси белгилайди.

Сўнгги йилларда жамоатчилик фикрини ўрганиш «Ижтимоий фикр» маркази томонидан ўтказилган сўровлар натижаларига кўра, мамлакатимизнинг турли ижтимоий табақаларига мансуб фуқаролар давлатимиз томонидан олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатни якдил қўллаб-қувватлашларини ифодалаганлар.

Айниқса, аҳолининг аксарият қисмини ташкил этувчи ёшлар давлатимизнинг истиқболга йўналтирилган кенг кўламли сиёсати уларнинг орзу-интилишлари, ўй-фикрларига тўла мувофиқ эканлигини таъкидлайдилар.

**Иброҳим НОРМАТОВ, «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги бош директори ўринбосари, сиёсий шарҳловчи:**

— Сиёсий маданият умуман инсон маданиятининг ажралмас қисми. Фақат бу сиёсий онг ва тушунча, сиёсий мақсад билан боғлиқ ҳолат. Ана шулардан келиб чиқиб фикр баён қилинади. Бунда ҳам одоб асосий мезон ҳисобланади. Яъни сиёсатни англаш ва тушуниш одоб доирасида баён қилинади. Энг муҳими, бу одоб кўзланган сиёсий мақсаднинг қурбони бўлмаслиги керак. Агар шундай бўлса, сиёсий маданиятсизлик ҳисобланади.

Биз кўпинча сиёсий маданиятсизликнинг қўпол кўринишларини Владимир Жириновскийда кўрамиз. Унда сиёсий маданият йўқ. Афсуски, бундай сиёсатчилар якка-ёлғиз эмас. Агар телеэкранни мунтазам кузатиб борсангиз, онда-сонда бўлса-да, турли давлатлар парламентларидаги ўзаро ҳақоратларга ҳамда муштлашишларга кўзингиз тушади. Бу ҳам сиёсий маданиятсизлик.

Давлат арбоблари, парламент аъзолари, дипломатлар, сиёсатчилар, журналистлар доирасида сиёсий маданият жуда ҳам зарур. Агар ана шу доираларда сиёсий жиҳатдан маданиятсизликка йўл қўйилса, барча саъй-ҳаракатлар тескари натижа бериши мумкин. Бунга мисоллар кўп. Олтмишинчи йиллар бошида Никита Хрушчев пойабзалини қўлига олиб, БМТ минбаридан туриб АҚШга дўқ-пўписа қилганидан кейин икки давлат ўртасидаги муносабатлар жуда кескинлашиб кетди. Етмишинчи йилларнинг охирида араб давлатларидан бирининг раҳбари расмий ташриф билан Москвага келади. У музокара бошланадиган залга биринчи бўлиб кириб ўтиради. Бироқ Леонид Брежнев музокара ўтказишга эриниб залга кирмайди. Шундан кейин иккала давлат ўртасидаги дўстона ва илиқ муносабатлар совуйди.

Агар дипломатлар билан сиёсатчилар сиёсий маданият мезонларини бузсалар, ҳатто ортиқча ёки ўринсиз гап гапириб қўйсалар ҳам, бу музокараларнинг натижасиз ёки мулоқотларнинг самарасиз тугашига сабаб бўлиши мумкин. Халқаро ҳаётда бундай ҳолатлар учраб туради. Шунинг учун ҳам дипломатлар билан сиёсатчилар сиёсий маданиятни ўта нозик санъат даражасида эгаллаган бўлишлари керак. Шунингдек, журналист ҳам сиёсий жиҳатдан етук ва маданиятли бўлмаса, нотўғри маълумот, иғвогарона шарҳ ёки ёлғон ахборот бериш билан давлатлараро муносабатларга, музокараларнинг боришига, муаммоларнинг ечимига зарар етказиб қўйиши мумкин. Шунинг учун ҳам сиёсий маданият журналистларга айниқса керак.

**Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ, сиёсатшунос:**

— Ҳозирги даврда сиёсий маданият ва унинг тузилмавий элементлари, мазмуни, функциялари тўғрисида ягона ёндашув мавжуд эмас ва у турлича талқин қилинмоқда. 1976 йилда сиёсий маданиятнинг 40 дан ортиқ таърифи борлиги аниқланган. Шундан сўнг ҳам таърифлар сони ортди.

Дастлаб сиёсий маданият қадриятлар, турли фикрлар, урф-одатлар ва анъаналар мажмуасидир, деган психологик талқин дунёга келди. Баъзан эса у маърифий ва маданий даража билан аралаштириб юборилмоқда. Масалан, баъзи кишиларда сиёсий маданият етишмайди, баъзи кишиларда эса сиёсий маданият юқори ёки қуйи даражада бўлади, деган талқинлар ҳам бор. Кўпинча сиёсий маданият маърифатли кишилардагина мавжуд, маълумоти ўрта кишиларда эса бу маданият етишмайди, деган фаразлар ҳам бор. Кўп ҳолатларда эса, бу тушунча билан сиёсий тизим ва сиёсий хулқни аралаштириб юборишади.

Сиёсий маданият инсоннинг сиёсий ҳодисалар, қадриятларга доир тасаввурлари, сиёсий амалиётда намоён бўладиган хулқининг кодекси ёки унинг сиёсий ҳокимият субъекти сифатидаги фаолиятининг услубидир. Шу маънода, сиёсий маданият умуминсоний аҳамиятга молик бўлган сиёсий фаолият намуналарини қай даражада эгаллаганлигини намойиш қилади. Шунингдек, у инсоннинг тафаккурлаш ва фаолияти меъёрларининг жамият маданий деб тан оладиган субъективлигини қанчалик даражада амалга ошира олганлигидир.

Сиёсий маданият инсоннинг жамиятда мавжуд бўлган сиёсий тажриба ва анъаналарини ўзлаштириш даражаси ҳам бўлиб, уни қўллаш сиёсий ҳаётдаги ворисийликни таъминлай олиши лозим.

Сиёсий маданият бу — муносабатлар тизими ва айни пайтда авлодлар алмашинуви натижасида уни ташкил этувчи унсурларни ишлаб чиқиш ва қайта ишлаб чиқиш жараёнидир. Сиёсий маданиятни умуммиллий маданият билан чамбарчас боғлиқ ҳолатда тушуниш керак. Чунки у умуммиллий маданиятнинг ажралмас бир қисми ҳисобланади ва инсондаги сиёсий билимлар, баҳолашлар, малакалар ҳамда ҳаракатлар даражаси характери ва мазмунини ташкил этади. Миллий маданият тамал тошининг компонентлари сиёсий эътиқод тизими ва сиёсий маданиятнинг шаклланишига катта таъсир кўрсатади.

Баъзи ғарб сиёсатшунослари сиёсий маданиятнинг уч типини ажратиб кўрсатади. Улар патриархал, тобелик ва фаол сиёсий маданиятлардан иборат. Патриархал типидаги фуқаролар сиёсий ҳаётга нисбатан қизиқиши йўқлиги, бефарқлиги билан ажралиб туради. Тобелик типида эса фуқароларнинг сиёсий институтларда паст индивидуал фаоллиги билан уйғунлашган кучли интилиши кузатилади. Фаол типдаги фуқароларнинг эса сиёсий жараёнларда иштирок этиш ва сиёсий фаолликни намоён қилишдан манфаатдорлиги очиқ ифодаланади. Бу учала тип бир-бирига доим ўзаро таъсир этиб баъзан улардан бирининг устунлиги сезилган оралиқ шакллар ҳам учрайди.

Тадқиқотчилар сиёсий маданиятни сиёсий тузумга нисбатан икки турга бўладилар: тоталитар ва плюралистик.

Тоталитар сиёсий маданият жамият ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳаётининг принципиал бир хиллик бўлишига асосланади, ҳар қандай турли-туманлик, ранг-барангликнинг йўқолишига мойил ғояларга таянади. Маданият бу турли ижтимоий гуруҳларнинг мақсад ва манфаатларини очиқ намоён қилишга йўл қўймайди, уларнинг сиёсий ҳаётдаги танлаш имкониятларини чегаралайди, ҳар қандай муқобилликни инкор қилади, битта мулкчилик тури, битта партия, бир ўринга битта номзод каби чеклашларни олдиндан белгилаб беради. Бу ҳолат тотал турғунликни, емирилишни ҳам келтириб чиқаради.

Плюралистик сиёсий маданият эса, жамиятда ўзига хос шарт-шароит яратилгандагина пайдо бўлиши, фаолият юритиши, ривожланиши мумкин. Плюралистик маданият шароитида партиялар ва ҳокимиятдаги мансабдор шахсларнинг доимий алмашиб туриши одатдаги ва зарурий ҳолдир.

Плюралистик сиёсий маданият шароитида демократик мақсадлар фақатгина демократик воситалар, механизмлар ва усуллар ёрдамида амалга оширилади. Синфлар, гуруҳлар ва жамиятнинг бошқа ижтимоий қатламлари ўртасида сиёсий ҳамкорликнинг ўзига хос анъаналари шаклланади.

**Беҳзод ШУКУРОВ ёзиб олди.**

**ТАҲРИРИЯТДАН: юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, сиёсий маданият сиёсатшуносликнинг бошқа элементлари, унсурлари, тушунчалари билан бевосита ва чамбарчас боғлиқ. Сиёсий маданиятни янада чуқурроқ тушуниш ва англаш учун сиёсий мафкура, сиёсий онг, сиёсий ахлоқ ва бошқа тушунчаларни ҳам теранроқ билишимиз керакка ўхшайди.**

**Демак, газетамизнинг кейинги сонларида улар ҳақида ҳам маълумотлар бериб боришга ҳаракат қиламиз.**

**Кенг жамоатчилик — сиёсатшунос, психолог, социолог, файласуф, иқтисодчи, дипломат, журналист, талаба, сиёсий партия аъзолари умуман мамлакатимиз сиёсий жараёнларида бевосита ва билвосита иштирок этаётган ҳамюртларимиздан бу борадаги фикр-мулоҳазаларини кутамиз.**

---

**Об-ҳаво**

# ЁЗ ЧИЛЛАСИ

## ҚИЁМИГА ЕТДИ, БУЁҒИ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?



**Қуёш тиккага келганда офтобнинг қайноқ ҳароратидан барча, ҳатто паррандаю даррандалар, ҳашорату қумурсқаларгача ўзини панага олади. Мусичаларнинг ку-кулари тандирдай қизиган ҳавода муаллақ қолгандай туюлади. Юртимиз саратони — бу!**

**Шундай кезларда кўк чойни ҳўплаб-ҳўплаб симираётган деҳқонлар, қуйингки, барча касб соҳиблари беихтиёр эртага об-ҳаво қанақа бўлар экан, деб ўйлайди.**

— Юртимизда ёз чилласи, пишиқчилик фасли авжига чиқди, — дейди Гидрометеорология маркази раҳбари Фотима Қосимова. — 16 июль куни Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида кечаси 22-27 даража, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлиши кутилмоқда. Кейинги икки-уч кунда ҳарорат янада кўтарилиб 17-19 июль кунлари 37-42 даражага етади.

Бухоро ва Навоий вилоятларида симоб устуни кечалари 22-27 даража, кундузи 33-38 даражани, 17-19 июль кунлари эса 38-43 даражани кўрсатади.

Самарқанд, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида 16 июль куни баъзи жойларда секундига 15-20 метр тезликда шамол эсиб, чанг-тўзон кўтарилади. Айрим жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғиб ўтади. Кечаси 20-25, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади. Ҳафта охирида ҳарорат кундуз кунлари 36-41 даражага чиқади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида 16 июлда кундузи 35-40, кечаси 22-27 даража, 17-19 июль кунлари эса кундузи 38-43 даражагача жазирама бўлади.

Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида 16 июль куни айрим жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин. Чанг-тўзон кўтарилади. Бу вилоятларда 16 июль кун 33-38, 17-19 июль кунлари эса 35-40 даража иссиқ бўлиши кутилмоқда.

**Бобо САРОИЙ**

---

# КАСБ ФАХРИ — МАСЪУЛИЯТДА





Республика «Шошилинч тиббий ёрдам» илмий марказининг Қашқадарё вилоят филиали 1999 йилда ташкил этилган. Шифохона 220 ўринга мўлжалланган бўлиб, жарроҳлик, гинекология, нейрожарроҳлик, болалар жарроҳлиги, кардиология, терапия, педиатрия, токсикология каби бўлимлар мавжуд. Марказда 129 нафар шифокор аҳолига малакали хизмат кўрсатмоқда. Илмий ва амалий изланишларда ҳам марказ ўз нуфузига эга бўлиб бораётир. Лапароскопик жарроҳлик, йирингли жароҳатларни «Кукумазим» билан даволашнинг амалиётга татбиқи мазкур шифо масканида амалга оширилмоқда. Бу борада эса тадқиқотчи ва олимларнинг тинмай изланишлари ҳамда мунтазам равишда илмий анжуманларнинг ташкил этилиши яхши самара бермоқда.

— «Шошилинч тиббий ёрдам» илмий маркази ва унинг туманлардаги филиаллари ташкил этилиши қишлоқ аҳолисига замонавий тиббий ёрдам кўрсатиш имкониятини яратди, — дейди илмий ишлар ва кадрлар бўйича директор муовини Шодиёр Лапасов. — Бу эса нафақат беморларнинг тезда шифо топишига қулайлик яратди, балки шифокорларнинг малака ошириши, хорижлик ҳамкасабалар билан илмий ва амалий ҳамкорликларда ҳам бош омил бўлмоқда. Энг замонавий тиббий анжомлар воситасида муолажа ўтказишимиз ва Россия, Туркия, Франция каби давлатлар шифокорлари билан тажриба алмашишлар Республика «Шошилинч тиббий ёрдам» илмий маркази Қашқадарё филиали нуфузини янада оширмоқда.

**Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА (ЎзА)**

**Суратларда:** Республика «Шошилинч тиббий ёрдам» илмий марказининг Қашқадарё филиали реанимация бўлимида; таниқли жарроҳ, биринчи тоифали лапароскопик Олим Норбоев.

**Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.**

### Иқтисодиёт ва ислоҳот

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинганидан буён бир йилдан кўпроқ вақт ўтди. Иқтисодиёт тармоқлари ва жамиятнинг ахборотни тезкор айирбошлашга, жаҳон ахборот ресурсларига кириб боришга бўлган юқори эҳтиёжи ушбу соҳани янада ривожлантиришни тақозо этади. Фармонда ва Ҳукумат қарорида белгиланган дастурий чора-тадбирларнинг амалда рўёбга чиқарилиши бошқарувнинг барча тармоқ ва минтақавий органларига, иқтисодиёт ва маданиятнинг барча соҳаларига дахлдордир.**

**«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси тизимида, хусусан, «Фарғонателеком» филиалида қилинаётган ишлар диққатга сазовор. Филиал директори Давлатали ТОШМАТОВ билан суҳбатимиз шу мавзуда бўлди.**

## Фарғона:

# ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТАРМОҒИ ЭЛ ХИЗМАТИДА



— Филиалимиз жамоаси Фарғона вилояти аҳолисига ва мулкчилик шаклидан қатъи назар барча хўжалик субъектларига телекоммуникация хизмати кўрсатади, — дея сўз бошлади Давлатали Деҳқонович. — Вилоятимизнинг ҳар бир шаҳар ва туманида 19 та телекоммуникация боғланмаси ва иккита махсус бўлинма ишлаб турибди. Филиалнинг асосий хизмат турлари маҳаллий ва халқаро телефон алоқаси, телеграф ва симли радиоэшиттиришдан иборат. Эндиликда уяли телефон алоқаси, интернет хизмати кўрсатувчи мавжуд компания ва фирмалар билан ҳамкорликда иш олиб боряпмиз.

Айни пайтда 157,0 минг сиғимга эга бўлган автомат телефон станцияларида 121,0 мингдан зиёд телефон аппаратларига хизмат қилаяпмиз. Шундан 19,0 мингга яқин телефон аппаратлари қишлоқларга ўрнатилган. Фойдаланилаётган жами телефон аппаратларининг 85,2 фоизи аҳолига тегишли.

**— Президентимизнинг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармонида: «Миллий ва халқаро ахборот тармоқларига ғоят тезкорлик билан кириб боришни жорий этиш, аҳоли пунктлари, шунингдек, қишлоқ аҳоли пунктларининг уларга кириб боришини таъминлаш... Биринчи галдаги энг муҳим вазифалардан ҳисоблансин», — деган сатрлар бор. Филиалда ушбу масаланинг ечими қандай? Хорижлик шериклар билан ҳамкорлик-чи?**

— Чет эл кредитлари ҳисобига вилоят телекоммуникациялар тармоғини янгилаш ва ривожлантириш бўйича мунтазам ишлар олиб борилмоқда. 1994 йил Жанубий Кореянинг «ДЭУ телеком» фирмаси билан ҳамкорликда қиймати 13,7 млн АҚШ долларига тенг лойиҳа асосида Фарғона, Марғилон, Қўқон шаҳарларида 50,0 минг рақамли, 2001 йилда эса Фурқат туман маркази Навбаҳор қишлоғида Словениянинг «Искратель» фирмаси билан ҳамкорликда қиймати 132.0 минг АҚШ долларига тенг лойиҳа юзасидан 1000 рақамли электрон телефон станциялари ишга туширилди. Иккала лойиҳа бўйича ҳам тўловлар филиал маблағлари ҳисобидан амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 6 мартдаги «Корея Республикасининг иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси (EDCF) томонидан ажратилган маблағларни ўзлаштириш чоралари тўғрисида»ги 102-сонли қарори асосида вилоятда жами 25000 рақамли телекоммуникация тармоқларини қайта қуриш ва кенгайтириш ишлари ниҳоясига етказилди. Ушбу лойиҳага асосан Қўқон шаҳрида 10000, Қувасой шаҳрида 4000, Тошлоқ туманида 3000, Фарғона туманида 3000, Қува туманида 5000 рақамли жаҳон андозаларига мос рақамли телефон станциялари иш бошлади. Қува, Қувасой шаҳарлари, Тошлоқ шаҳарчаси ва Фарғона туман маркази 142 километр узунликдаги янги шаҳарлараро алоқа тизими вилоят маркази билан (доира шаклида) туташтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 6 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоғини ривожлантириш (2-босқич) учун Япония хорижий иқтисодий ҳамкорлик жамғармасининг имтиёзли кредитига хизмат кўрсатиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан эса 2003-2004 йилларда Фарғона шаҳридаги шаҳарлараро автоматик телефон станцияси замонавий станцияга алмаштирилади, вилоятнинг барча шаҳар, туман марказлари доира шаклида мазкур ШТС билан уланиб, у ўз навбатида республиканинг ягона рақамли шаҳарлараро телефон алоқаси тармоғига уланади. 2010 йилга бориб, вилоят телекоммуникация тармоғини тўлиқ рақамлаштириш тугалланади.

**— Бугунги кунда замонавий ахборот тармоқларига уланиш зарурати тобора кучайиб бораяпти. Ваҳоланки, интернет тармоғидан фойдаланиш имкониятлари яхши натижалар ҳам бериши шаксиз. Бу борадаги ҳамкорлик ҳақида ҳам гапирсангиз.**

— Филиалимиз «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Интал телеком» филиали билан интернет хизматлари кўрсатиш бўйича фаол ҳамкорлик қилмоқда. 2001 йилдан бошлаб эса Фарғона шаҳрида «Интернет кафе» фаолият кўрсатиб келаяпти. Мазкур кафе «Интал телеком» провайдери орқали интернет тармоғига уланиб, аҳолига ва шаҳардаги йирик корхоналарга интернет хизмати кўрсатаётир. Келажакда вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида филиалимизнинг ўз «Интернет кафе»ларини очиш ҳамда ўз тармоғи орқали интернет хизматларини кўрсатишни режалаштирганмиз. Натижада вилоятимиз шаҳар ва туманлар марказлари рақамли телекоммуникация тармоғи билан тўла таъминланиб, замонавий ахборот тармоқларига уланиш имконига эга бўламиз.

**— Филиалнинг иқтисодий аҳволи? Ташкилот ва муассасалар, аҳоли хизмат ҳақини вақтида тўлаб боришяптими?**

— Филиалимиз умуман олганда молиявий ҳолати бўйича барқарор хўжалик юритувчи субъектлар сирасига киради. Бироқ фаолиятимизни кўнгилдагидек давом эттириш йўлида айрим тўсиқлар ҳам борлиги сир эмас. Яширишнинг кераги йўқ, кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлашни айрим мижозларимиз унутиб қўйишяпти. Шу йилнинг 1 июлига бўлган ҳолатни таҳлил қиладиган бўлсак, кўрсатилган хизматлар учун мижозларимиз томонидан 319 миллион сўм маблағ тўланмаган. Ташкилот, идора, муассасалар ва қишлоқ ширкат хўжаликларининг қарзи ҳам ой сайин ошиб бораётир.

Яна бир гап: телекоммуникация иншоотларининг сақланиши бўйича ҳам анчагина ишлар қилишга тўғри келди. Кабелларни ўғирлаб кетиш ҳоллари юз бермаслиги учун доимий эҳтиёткорлик чораларини кўриб бораяпмиз. Қимматбаҳо материаллар ва станция жиҳозларининг талон-торож қилинишининг олдини олиш бўйича АТСларда сигнализация тармоқлари ўрнатилиб, уларга махсус қоровуллар ҳам бириктирилди.

Ниятимиз — мамлакатимиз мустақиллигининг ўн икки йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш.

**Суҳбатдошлар:**
**Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,**
**Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбирлари**

## XORIJDA

### Авф этилди

Чеченистон давлат думаси томонидан амнистия тўғрисидаги қарор қабул қилингандан бери (7 июнь) ноқонуний қуролли гуруҳлар таркибидан чиқиб, ихтиёрий равишда қуролини топширган ва айбини бўйнига олиб, кечирим сўраган 160 нафар жангаридан 93 нафари авф этилди, дея хабар беради Чеченистон хавфсизлик кенгаши котиби Рудник Дудаев «Интерфакс» агентлигига.

Унинг сўзларига қараганда, 46 нафар жангари авф этишларини сўраб маҳаллий ички ишлар бўлимларига, яна шунчаси федерал хавфсизлик кенгашига мурожаат этган. Бир киши эса суд залидан озодликка чиқарилган.

Республика президенти вазифасини бажарувчи Аҳмад Қодиров авф этилганларни тезда ишга жойлаштиришни маъмурий идоралар зиммасига юклади.

### Очлик эълон қилдилар

Исроил шимолидаги Меггидо қамоқхонасида сақланаётган фаластинлик маҳбуслардан 20 нафари очлик эълон қилди.

Германиянинг Deutsche Well телеканали хабарига кўра, улар Исроил қамоқхоналаридаги фаластинлик барча маҳбуслар озодликка чиқарилишини талаб қилмоқдалар. Бугунги кунда 6 минг фаластинлик қамоқда. Уларнинг 350 нафарига, яъни ХАМАС ва «Ислом жиҳоди» экстремистик ташкилотларига алоқаси бўлмаганларга озодлик ваъда қилинган.

Норозилик иштирокчилари тасдиқлашларича, улар сафига яна бошқа маҳбуслар ҳам қўшилиши мумкин экан: Меггидо қамоқхонасида 1200 нафар фаластинлик бор.

Яна бир гап. ХАМАС экстремистик ташкилоти етакчиси Нйзар Раййан маълум қилишича, Исроил — Фаластин ўртасидаги ўзаро уч ойлик тинчлик келишуви мобайнида барча фаластинликлар Исроил қамоқхоналаридан озод этилмас экан ташкилот аъзолари Исроил аскар ва зобитларини ўғирлашни давом эттираверади, дея ёзади Исроилда чоп этиладиган Ha'aretz газетаси. Ахборотда айтилишича, ХАМАС 1995 йилдан буён Исроил ҳарбийларини ўғирлашни тўхтатган.

### Қатор учрашувлар мўлжалланмоқда

Буюк Британиянинг «Скай Ньюс» телекомпанияси тарқатган манбага асосланиб Россиянинг «Новости» агентлиги хабар беришича, Буюк Британия бош вазири Тони Блэр шу йил 17 июлда Вашингтонга ташриф буюради ва АҚШ Президенти Жорж Буш билан учрашади.

Ҳарбий ҳолатдан кейин Ироқни қайта тиклаш, оммавий қирғин қуролларини қидириш, шунингдек, Яқин Шарқдаги вазиятни муҳокама этиш масалалари учрашув кун тартибининг асосини ташкил этади.

Бундан ташқари «Ал-Қоида» халқаро террорчилик ташкилотига алоқадорликда айбланиб қўлга олинган ва Гуантанамодаги Америка ҳарбий лагерида сақланаётган Британия фуқаролари устидан суд жараёнини ўтказиш масаласи ҳам Блэр жаноблари томонидан ўртага ташланиши мумкин. Негаки, ўтган ҳафта Британия сиёсий ҳаётида асосий эътибор шу масалага қаратилди. Расмий Лондон Британия фуқароларини ўз ватанида суд қилиш учун уларни Вашингтондан сўраб олиш борасида баёнот беришни мўлжаллаб турибди.

Бу учрашувдан сўнг Тони Блэр Япония, Жанубий Корея ва Хитой давлатларига ҳам ташриф буюришни ўз режасига киритди. У Япония бош вазири Дзюнъитиро Коидзуми билан музокаралар ўтказгач, 21 июль куни Жанубий Кореяга ўтади ва мамлакат президенти Но Му Хен билан Шимолий Кореянинг ядро дастури билан боғлиқ масала юзасидан музокара олиб боради. Унинг ташрифи Корея уруши якунланганлигининг (1950-53 йиллар) 50 йиллиги билан ҳам боғлиқ. У аввал бу ерга 2000 йили ташриф буюрган, яъни Европа ва Осиё етакчиларининг халқаро саммитида иштирок этган эди.

Бош вазир Жанубий Кореядан сўнг Хитой Халқ Республикасига ўтишни режалаган. У бу ерда ХХРнинг янги раиси Ху Цзиньтао билан учрашади ва Ироқ масаласини муҳокама этишади. Шунингдек, икки томонлама савдо алоқаларини кенгайтириш мавзуси ҳам кун тартибига киритилган.

Эслатиб ўтамиз: Тони Блэрнинг Хитойга сафари икки марта қолдирилган. Биринчи бор ташриф шу йил апрелга мўлжалланган эди, лекин Ироқдаги ҳарбий ҳаракатлар сабабли қолдирилган, иккинчи ташриф эса Хитойда ғайриоддий зотилжам эпидемияси тарқалганлиги учун бекор қилинган.



Англия кўчаларида

### Фавқулодда ҳолат

Кейинги икки ҳафтада Ҳиндистон жанубидаги Андхра-Прадеш штатида бош мия яллиғланиши (энцефалит) оқибатида 84 бола оламдан кўз юмди. Шу муносабат билан мамлакат соғлиқни сақлаш вазири Чандрабабу Найду штатнинг 6 туманида фавқулодда ҳолат эълон қилди.

Шифокорлар таъкидлашича, болалар япон энцефалити тарқалишидан вафот этган. Бу инфекция эса чивинлар чақишидан юққан.

Reuters ахборотида, мазкур инфекция штатда 24 йилдан бери қайд этилиши ёзилган. Аммо ўтган йили бирорта ўлим юз бермаган.

Япон энцефалити бош мияни ишдан чиқарувчи инфекцион касалликдир. Унинг вируси чивинлар орқали тарқалади. Касалликнинг 25 фоизи ўлим билан якунланади.

### Яна бир йилга узайтирилди

БМТ Хавфсизлик Кенгаши Босния ва Герцеговинадаги халқаро тинчликпарвар кучларнинг ваколат муддатини яна бир йилга узайтирди ва Босния можаросида иштирок этган барча ҳарбий жиноятчилар иши халқаро адолатли суд томонидан кўриб чиқилишини талаб этди, дейилади Associated Press ахборотида.

Маълумки, Босния ва Герцеговинада вазиятни барқарорлаштириш учун 1996 йил январда халқаро тинчлик кучлари киритилган эди, яъни собиқ Югославия Республикасида беш йилдан бери давом этаётган ҳарбий ҳаракатларга барҳам бериш мақсадида Дейтон битими имзолангач, мамлакатга турли давлатлардан 60 минг нафар ҳарбий киритилган. Вақт ўтиши билан уларнинг сони қисқартирилиб, ҳозир 13 мингтага келтирилган.

### Журналист текшируви

# «ИШ МАТЕРИАЛЛАРИГА КЎРА...»

## ЁКИ БИР ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИГА АЖРАТИЛГАН ЕР МОЖАРОСИ АТРОФИДАГИ ТУРЛИ ФИКРЛАР ҲАҚИДА

Ҳужжатларни сохталаштириш орқали қонунбузилиш ҳолатлари ҳақида таҳририятимизга шикоят хати келиб тушди. Уни Асака туманидаги паррандачиликка ихтисослашган «Ниёзботир-2 ПН» очиқ акциядорлик жамиятининг бошқаруви раиси И.Бекибоев йўллаган. Шикоят хати ва унга илова қилинган салкам бир папка ҳужжатлардаги тафсилотлар ҳар қандай кишини чуқур ўйга толдиради.

Даставвал хатдан парча келтирамиз:

«Паррандачиликка ихтисослашган «Ниёзботир-2 ПН» АЖ қарамоғидаги ерлардан Асака туман ҳокимининг 2001 йил 16 августдаги 275-К-сонли қарори билан фуқаро Қўшбўтаев Ғанижонга «Ҳилол-Нур» фермер хўжалигини ташкил этиш учун 9 гектар ер ажратиб берилган эди. Асос сифатида акциядорлик жамияти ишчи-ходимларининг ваколатсиз бўлган умумий йиғилишининг ер ажратиш ҳақидаги қарори олинган. Ушбу қарор ҳуқуқий кучга эга эмаслиги аён. Бундан ташқари ҳужжатлар сохталаштирилган бўлиб, буни АЖнинг собиқ раҳбари О.Қодиров амалга оширган эди.

Асака туман ҳокимининг ушбу қарори ва ерни ижарага бериш ҳақидаги шартномани бекор қилиш тўғрисидаги даъво аризани Андижон вилоят хўжалик судига киритгандик. Суд даъво аризага асосан 17-0207-775-сонли иш очди ва 2002 йил 8 майда даъвони қаноатлантирди, ҳал қилув қарори қабул қилди. «Ниёзботир-2ПН» собиқ раҳбарига эса ҳужжатларни сохталаштирганлиги учун суднинг ажрими билан жиноят иши қўзғатилди. Жавобгарнинг апелляция шикоятига асосан апелляция инстанцияси ишни кўриб чиқиб, 2002 йил 9 июнда ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз, ўз кучида қолдириш ҳақида қарор қабул қилди.

Шу билан адолат қарор топди, можарога барҳам берилди, деб ўйлагандик. Бироз шошилган эканмиз. Кутилмаганда жавобгарнинг кассация шикоятига асосан Олий хўжалик судининг кассация судлов ҳайъати (К.Убайдуллаев раислигида, ҳайъат аъзолари И.Алимов, С.Шодиевадан иборат таркибда) биринчи инстанция судининг ҳал қилув ва апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиш, жавобгар — «Ҳилол-Нур» фермер хўжалигини кассация шикоятини қаноатлантириш ҳақида қарор қабул қилди.

Назорат тартибида протест келтиришни сўраб ёзган аризамиз эса рад этилди...».

Фермер хўжалигига ер ноқонуний берилганлигини Андижон вилоят хўжалик судининг биринчи ва апелляция инстанцияси ўз қарорларида аниқ-тиниқ кўрсатиб қўйган бўлса-ю, кассация судлов ҳайъати унга тамомила тескари қарор қабул қилиши учун қандай асос топди экан? Холбуки, низо чигал ёки мураккаб эмас — ер беришда қонунбузилиши юз берган, холос.

— Кассация судлов ҳайъати аъзолари Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 53-моддаси 2-қисми, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддаси, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 июндаги 300-сонли қарори билан тасдиқланган «Фермер хўжалиги юритиш учун ер участкаларини фуқароларга узоқ муддатли ижарага бериш тартиби»нинг 4-банди билан танишмаган кўринадилар, — дейди АЖ ҳуқуқшуноси Аробиддин Ғафуров. — Ахир ушбу ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда ер майдонлари фермер хўжалигига қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкатлар) аъзолари умумий мажлисининг қарорига биноан берилиши мумкин деб кўрсатилган. Ушбу орган эса кооперативларнинг (ширкатларнинг) олий бошқарув органи ҳисобланади. Яъни, ер бериш масаласи фақат олий бошқарув органи томонидан амалга оширилади. Акциядорлик жамиятининг олий бошқарув органи эса акциядорлар умумий йиғилишидир. Қолаверса, юқоридаги ҳужжатларда акциядорлик жамиятларига тегишли ерларни фермер хўжаликларига бериш ҳақида сўз юритилмаган. Фермер хўжаликларига заҳирадаги ерлар, махсус республика фонди ерлари, меҳнат ресурслари етарли бўлмаган хўжаликлардаги ва суғориладиган янги мавзелардаги ерлар берилиши аниқ белгилаб қўйилган. Зарар кўриб ишлаётган ёки кам рентабелли қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ерлари ҳам берилиши мумкин деб кўрсатилган. Бироқ, «Ниёзботир-2 ПН» АЖ юқорида санаб ўтилган тоифаларнинг бирортасига кирмайди.

Бинобарин, «Ниёзботир-2 ПН» раҳбари аризасига илова этилган ҳужжатлар билан танишар эканмиз, ер майдонига эгалик ҳуқуқи Асака туман ер тузиш хизмати томонидан давлат рўйхатига олинганлиги ҳақидаги гувоҳнома мавжудлиги эътиборимизни жалб этди. Кассация судлов ҳайъати эса айнан бу муҳим ҳужжатни негадир иш юритувга қабул қилмаган. Ахир жамиятнинг ерга эгалик ҳуқуқи бўлмаганда гувоҳнома ҳам берилмаган бўларди.

Асака туман ҳокимининг «Ҳилол-Нур» фермер хўжалигига ер бериш ҳақидаги 275-К-сонли қарори сохталаштилган ҳужжатлар асосида чиқарилгани сабабли ноқонуний эканлиги кундай равшан. Буни республика Бош прокурорининг ўринбосари А.Холмаҳматов «Ниёзботир-2 ПН» АЖ жамоаси аризасига асосан Олий хўжалик суд раёсатига шу йилнинг 22 апрелида 30/50-03 сонли протест киритганлиги ҳам яна бир карра тасдиқлайди. Унда хусусан шундай дейилади:

«...Иш материалларига кўра, низоли ижара шартномаси 2000 йилда тузилган. Уни ижарага берувчи «Ниёзботир-2 ПН» АЖ раҳбари бир томондан ва ижарага олувчи «Ҳилол-Нур» фермер хўжалиги раҳбари бошқа томондан имзолаб, муҳр қўйганлар.

Ваҳоланки, «Ҳилол-Нур» фермер хўжалиги Асака туман ҳокимининг 2001 йил 16 августдаги 275-К-сонли қарорига мувофиқ рўйхатга олинган ва фермер хўжалигига муҳр тайёрлашга рухсат берилган. 2001 йилда муҳрга эга бўлган «Ҳилол-Нур» фермер хўжалиги қандай қилиб «Ниёзботир-2ПН» АЖ билан 2000 йилда тузилган шартномага ўз муҳрини қўйиши мумкинлигига кассация инстанцияси суди баҳо бермаган.

Фуқаролик кодексининг 44-моддасига биноан ҳам юридик шахс давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг ташкил этилган деб ҳисобланади. Демак, **2001 йилда ташкил топган фермер хўжалиги 2000 йилда акциядорлик жамияти билан ижара шартномасини тузиши мумкин бўлмаган ишдир.** Шунингдек, ФКнинг 116-моддасига кўра, қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келмайдиган битим ўз-ўзидан ҳуқуқий кучга эга эмасдир. Ушбу ҳолатни инобатга олиб, биринчи ва апелляция инстанция судлари шартномани ҳақиқий эмас деб тўғри қарор қабул қилишган. Бироқ, кассация инстанцияси суди қуйи суд қарорларини бекор қилишда мазкур қонун талабини инобатга олмаган.

«Ер кодекси»нинг 37-моддаси 1-қисмига мувофиқ ер участкаси ундан фойдаланувчи шахс билан келишилган ҳолда тегишли ҳоким қарорига асосан берилиши, олиб қўйилиши мумкинлиги белгиланган. Асака туман ҳокимининг «Ҳилол-Нур» фермер хўжалигига даъвогарнинг 9 гектар ерини бериш ҳақидаги қарори қабул қилинишига «Ниёзботир-2ПН» АЖ ишчиларининг 2000 йил 2 октябрдаги йиғилиши қарори асос бўлган. Ваҳоланки, ушбу йиғилиш бўлиб ўтмаганлигини корхона ишчилари И.Исломов, Э.Мадаминов, О.Солиев, У.Ботиров ва бошқаларнинг тушунтиришлари билан тасдиқланган.

Мазкур ҳолат юзасидан Андижон вилояти прокуратураси томонидан ўтказилган терговолди текшириши давомида «Ниёзботир-2ПН» АЖ собиқ бошқаруви раиси О.Қодировнинг ҳаракатларида ЎзР ЖК нинг 209-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноят аломатлари, яъни мансаб сохтакорлиги мавжудлиги аниқланган, бироқ Республика Президентининг 2001 йил 21 августдаги амнистия тўғрисидаги Фармонига биноан жиноят ишини қўзғатиш рад этилган.

Бундан ташқари, «Ниёзботир-2ПН» АЖ Низомининг 7.3-бандига кўра жамият билан контрактларни тасдиқлаш, жамиятнинг фойдаланишида бўлган мулкини тасарруф этиш акциядорлар умумий йиғилишининг мутлоқ ваколатидир. Демак, «Ҳилол-Нур» фермер хўжалигига ерни ижарага бериш ҳамда шартномани тасдиқлаш масаласи ишчиларнинг эмас, балки акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан ҳал қилиниши лозим эди. Кассация инстанцияси ўз қарорида «иш материалларига кўра, акциядорлик жамиятининг 2000 йил 2 сентябрь ҳолатига 72,7 фоиз акциялар ҳам сотилмаган эди, яъни акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилганда ҳам, у ваколатсиз бўлар эди деган хулоса чиқаради...».

Шу ўринда мутахассис фикрини келтирсак муаммо янада ойдинлашади:

— Агар акциядорлик жамияти давлат мулки негизида ташкил топган бўлса, акциялар сотилмаса-да, ҳукумат қарорига биноан жойлаштирилган ҳисобланади, — дейди Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг қимматли қоғозларни рўйхатга олиш ва муомалага чиқариш бошқармаси бошлиғи Ғанижон Отахонов. — Қонунга кўра тарқатилган ва жойлаштирилган акцияларнинг олтмиш фоизидан кўпига эга бўлган акциядорлар иштирок этсалар умумий йиғилиш ваколатли ҳисобланади.

Суд ҳеч қачон далил-исботсиз хулоса чиқармайди, албатта. Аммо шикоятчининг хатида келтирилган далиллар, бош прокурор ўринбосари имзоси билан киритилган протестдаги ҳолатлар ва ниҳоят мутахассис фикри кишини ўйга солади...

**Норбобо ШАКАРОВ,**
**Маъмуржон ҚИЁМОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбирлари**

